

ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ҚУРБОНИГА АЙЛАНИБ ҚОЛИШИНING АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Турсуналиев Дилмурод Охунжон ўғли

ИИВ Академияси 311-гурух курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11259263>

Аннотация: Ушбу мақолада шахсда виктимликни келтириб чиқарувчи омилларнинг криминологик тавсифининг тушунчаси, турлари, бугунги кундаги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари. Бундан ташқари шахсда виктимликни келтириб чиқарувчи омилларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари ҳамда уларни бартараф этиш йўналишлари баён этилган.

Калит сўзлар: виктимлик виктимология ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс олдини олиш.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этиш фаолияти деб – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятидир

Илгари фақат юридик адабиётларда учраган ушбу тушунча Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни билан илк бор ҳуқуқий жиҳатдан амалиётга жорий этилди. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини мазмунига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналиши дейиш ҳам мумкин.

Виктимологик профилактиканинг ўзи ҳам умумий, махсус ва якка тартибда амалга оширилиши мумкин. Қонун талабларига мувофиқ, профилактика инспекторларидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси доирасида: – хизмат ҳудудидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш чораларини кўриш; – уларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли тадбирлар ўтказиш; – аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш; – уларнинг жисмоний ва психологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; – уларни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усул ва воситаларидан хабардор қилиш; – ҳудуддаги ғайриижтимоий ҳуқуқ-атворга эга бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликлар кўп содир бўлиб турадиган жойлар (ҳудудлар)ни мунтазам равишда назорат қилиш; – ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш каби чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқ тартибот масаканларида (бундан кейин “ҳуқуқ тартибот масканлари” деб юритилади) ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатувчи шўъбаларни ташкил этиш мумкин.

Шуни такидлаш лозимки, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ажралмас таркибий кисмидир. Бугунги кунда бизнинг назаримизда, ҳуқуқбузарликларни жамият ҳаётидан алоҳида ажратган ҳолда олиб қараш мумкин эмас. Албатта, ҳуқуқбузарликлар, жамият ҳаёти учун хавfli иллат. Профилактика инспекторининг фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш тушунчаси ҳақида сўз юритар эканмиз, ушбу фаолиятнинг функцияларидан келиб чиққан ҳолда унинг тарихига тўхталиб ўтаётганлигимиз бежиз эмас. Зеро ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг тадрижини ўрганишда унинг тарихий ривожланишига мурожат этилмаса, масаланинг моҳияти тўла очилмай қолади.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг муҳим манбаи баъзи ҳолларда жабрланувчиларнинг онгидаги ижтимоий-руҳий кечинмаларга ҳам боғлиқ.

Бир қатор ҳуқуқий адабиётларни ўрганиш давомида шунга амин бўлдики, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шахснинг муҳит билан ўзаро муносабати натижасидир. Шунинг учун ҳам муҳит ва вазият тушунчаси хали батафсил ўрганиб чиқиши керак бўлган масалалар қаторига киради.

Зеро ҳуқуқбузарлик вазияти юзага келиши ва ривожланиб боришида турли ҳуқуқ-атворага эга одамлар иштирок этадилар ва шунинг учун ҳам бу шахсларнинг объектив ва субъектив хислатлари қандай эканлигини билиш ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Яна шу қаторда илмий тадқиқотларда виктимлик деган тушунчалар ҳам киритилган бўлиб, бу инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати ҳисобланади, ҳамда виктимликнинг айбли ва айбсиз турларига ажратилган.

Айбли виктимлик потенциал қурбоннинг салбий, ҳуқуқ ва ахлоқ нуқтаи назаридан эса номуносиб ҳуқуқдан иборат бўлиб, у жиноят содир этилишига имкон берадиган омил ҳисобланади. Масалан, йўл-транспорт ҳодисаларидан фуқароларнинг кўпгина қисми йўл қодаларига риоя қилмаганликлари оқибатида жабрланадилар.

Айбсиз виктимлик умуман ҳаётда, хусусан, жиноятдан аввалги вазиятда ижтимоий маъқул ахлоққа эга бўлган муайян шахснинг (масалан, инкассатор, маҳалла посбони) меҳнат ёки жамоат фаолиятининг хусусияти ёхуд психофизиологик жиҳатлари (масалан, бола, қария, беморлиги кабилар) билан боғлиқ.

Шу ўринда виктимлик даражалари мавжудлигини билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада виктимликнинг қуйидаги уч даражаси мавжудлиги кўзга ташланади:

- 1 *виктимлик даражаси кам бўлган шахслар* – жисмонан бақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар;
- 2 *виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар* – нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидолмайдиган шахслар;
- 3 *виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар* – касби, ижтимоий мақоми, биофизиологик хусусияти, моддий аҳволи, маънавий-руҳий белгилари кабилар билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахслардир.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ўзларининг шартнома, битим ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида аёллар, болалар, ногиронлар, қарияларнинг юқори виктимликка эга бўлганлиги учун оила-турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятлардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ижтимоий мақомини алоҳида ажратиб кўрсатишган.

Виктимликни келиб чиқиш манбаига кўра объектив ва субъектив омилларга ажратиш мумкин, яъни:

объектив омиллар – маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (қўрқоқлар, журъатсизлар);

субъектив омиллар – ишонувчилар, беэътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), урушқоқлар

Шахсда виктимликни келтириб чиқарувчи омилларнинг криминологик тавсифи деганда биз авваламбор ташқи омилни тушуниб олишимиз зарур бўлади. Чунки шахсда юзага келадиган характерда ташқи таъсир муҳим рўл ўйнайди. Инсон бирор нарса қилишдан олдин ташқи томондан келадиган таъсирни ўйлайди ва шунга қараб иш тутайди. Мисол учун қишлоқ шароитида қишлоқ аҳолиси қишлоқдагиларнинг гап сўздан ҳам уйалиб бирор бир салбий ҳаракат қилишдан тийилади. Бу маълум маънода жабрланувчи ёки ҳуқуқбузар бўлишдан шахсни асрайди. Бугунги кунда жамоатчилик назоратининг сустиги ва шахс тарбиясига бўлган талабнинг пастлиги жамиятни таназзулга олиб борувчи омил сифатида баҳоланиши керак.

Виктимлик ўз-ўзидан юзага келиб қолмайди. Унинг пайдо бўлиши кўп ҳолларда шахснинг ўзига боғлиқ бўлади. Криминологик томонини ўрганар эканмиз авваламбор биз ушбу шахс жабирланиб қолишининг олдини олиш мақсадида унинг содир етаётган ҳаракатини тўхтатишига ундашимиз ва уни бу йўлдан қайтаришимиз лозим. Шахсда виктимликни келтириб чиқарувчи омиллар кенг тушунча. Уни ўрганиш ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг профилактикасида муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2023.
2. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси. Т., 2017.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 май Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2014 йил 20-сон 221-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2016 йил 38-сон 438-модда.